



# МАГИСТРАТУРАДА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

# МАГИСТРАТУРАДА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

*Методик қўлланма*



ТОШКЕНТ  
2023

**УЎК: 378(092)**

**КБК: 74.58**

**A – 90**

**Ахмедов, Т.**

Магистратурада илмий-педагогик ишни ташкил этиш методикаси [Матн] : методик қўлланма / Т. Ахмедов. – Тошкент: «Sano-Standart», 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-9096-6-3

*Методик қўлланмада магистратура талабалари учун ташкил этиладиган илмий-педагогик ишнинг мазмуни, ўтказиш тартиби ва уни баҳолаш тизими ёритилган. Методик қўлланма магистратура талабалари, уларнинг илмий раҳбарлари ҳамда мутахассис тайёрловчи кафедра мудирлари учун мўлжалланган.*

**Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Якубов, М.Эсанов, А.Эшмуродов,  
С.Мусамедов, А.Сабриев

**УЎК: 378(092)**

**КБК: 74.58**

*Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-ўқувчи бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йигилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-9096-6-3

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

## КИРИШ

Бугунги кунда узлуксиз таълимнинг ҳар қандай босқичи шахснинг камол топишида муайян функцияни бажаради. Олий таълим магистратура босқичи ҳам тегишли ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки магистратурада талаба битта йўналиш бўйича икки йилгача чуқур таълим олади ва билимларини амалиётга татбиқ этиш кўникмасига эга бўлиш учун стажировка ўтайди.

Жаҳон амалиётида магистратура учта мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлади. Биринчиси, академик фаолиятга тайёрлаш. Яъни, илмий кадрлар тайёрлашга қаратилади. Иккинчиси, таълим муассасаларига (шу жумладан, олий таълим муассасаларига) профессор-ўқитувчиларни тайёрлайди. Учинчиси, хизмат кўрсатиш соҳаларига тор ихтисослик бўйича мутахассисларни етказиб беради. Магистратура босқичи муайян билим ва тажрибани тақозо этади. Унга ёшлар катта миссия билан интилишлари керак.

Айни вақтгача миллий тажрибада магистратура фақат олий ўқув юртига кадрлар тайёрлайдиган босқич сифатида қаралапти. Илмий ва педагогик фаолиятнинг қайси бирида қобилият кучлироқ эканлигига аҳамият берилмаяпти. Шунинг учун магистратура босқичи олий таълим муассасасининг кадрлар тайёрлаш хусусиятидан келиб чиқиши керак.

Магистратура талабаларининг педагогик фаолиятга тайёрлаш бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 190-сон, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сон қарорларини келтириб ўтиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, методик қўлланмада магистратура босқичи талабаларининг педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилади.

# И.ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИНГ НОРМАТИВ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

## 1.1. Илмий-педагогик фаолиятнинг ҳуқуқий асоси

Магистратура босқичида ўқув жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисидаги низом”га асосан ташкил этилади.

Ушбу Низомга кўра, аниқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассисликлари малака талаблари билан белгиланади.

Магистр:

танланган мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот, илмий-педагогик ва касбий фаолиятни мустақил юритишга;

касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга;

олий таълим муассасасидан кейинги таълимни магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтида (докторантурада-Т.А.) давом эттиришга;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга тайёрланади.

Магистр ўз мутахассислиги, илмий ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг қуйидаги турлари:

илмий-педагогик;

илмий-ижодий;

илмий тадқиқот ва тажриба;

лойиҳа-конструкторлик;

лойиҳа-технологик;

ишлаб чиқаришда бошқарув, шунингдек, бакалаврият таълим йўналишига мувофиқ бошқа фаолият турлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин<sup>1</sup>.

Илмий-педагогик иш илмий-педагогик фаолият олиб боришнинг мазмуни, меъёрий-ҳуқуқий асослари, тартибини ўрганиш, тегишли компетенцияларни шакллантиришга қаратилади.

---

<sup>1</sup> Магистратура тўғрисида Низом//<https://lex.uz/docs/2579469>

## **1.2. Олий таълимнинг давлат таълим стандартида илмий-педагогик амалиётнинг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 19 октябрдаги 35-2021-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” да магистратура талабаси бажариши учун ўрта асосий жараёнлар кўрсатиб ўтилган. Булар:

**Илмий тадқиқот амалиёти** таълим олувчилар мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши, илмий тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, замонавий ахборот базаларини қўллаш, илмий мақолалар ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга доир билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

**Илмий-педагогик амалиёти** замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидадан фойдаланган ҳолда, педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши, ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этишга доир компетенция ва кўникмаларни ҳосил қилиши лозим.

**Тажриба орттириш** таълим олувчиларнинг илмий тадқиқот олиб бориши, назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш, муайян соҳа ва тармоқдаги замонавий техника ва технологиялар билан танишиши, амалий касбий ва илмий тадқиқот компетенцияларини шаклланиши, касбга самарали мослашувини таъминлаши лозим.

Олий таълимнинг давлат таълим стандартида келтирилган илмий-педагогик амалиёт, биринчидан, магистратура талабаси замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидадан фойдаланишни ўзлаштириши керак.

Иккинчидан, илмий-педагогик иш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усуллари қўллай оладиган педагогик фаолият маҳоратини ва кўникмаларини шакллантириши лозим.

Учинчидан, илмий-педагогик иш давомида ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этишга доир компетенция ва кўникмаларни ҳосил қилиши зарур.

Ана шу ўрта асосий шакллантирилиши керак бўлган компетенция магистратура талабасининг педагог сифатидаги маҳоратини оширишга ёрдам беради.

Бундай фаолият Олий таълимнинг давлат таълим стандартида белгиланган илмий тадқиқот амалиёти ва тажриба орттириш жараёни билан уйғун ташкил этилади.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш керак. Илмий тадқиқот амалиёти магистратура талабасининг тадқиқотчилик қобилиятини юзага чиқариши учун муҳим имконият. Илмий-педагогик амалиёт магистратура талабасидаги педагогликка бўлган маҳоратини ривожлантиришга хизмат қилади. Тажриба орттириш магистратура талабасининг келажакда ўзи ишлаши керак бўлган соҳани ўзлаштириш ва тегишли компетенцияларни оширишга қаратилган фаолияти.

Магистратура талабаси олдида учта йўл туради: биринчиси, илмий тадқиқот фаолияти бўйича яхши мутахассис бўлиш, иккинчиси, илмий-педагогик фаолият орқали маҳоратли ўқитувчи бўлиш, учинчиси, тегишли соҳа бўйича юқори компетенцияга эга мутахассис бўлиш.

Мутахассислик кафедралар магистратура талабаларининг мана шу учта жараён асосида қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари керак.

Илмий-педагогик фаолиятда алоҳида қобилиятга эга бўлган магистратура талабаси олий таълим муассасасининг стажёр-ўқитувчи ёки ўқитувчилиги учун захира кадр сифатида ривожланишига шарт-шароит яратилиши мақсадга мувофиқ.

### **1.3. Магистратура талабасининг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари**

Илмий-педагогик фаолиятни ташкил этишнинг аниқ талаблари мавжуд. Олий таълимнинг давлат таълим стандартига мувофиқ магистратура талабасининг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талаблари мутахассислик бўйича магистр академик даражали шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил илмий тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти билан самарали шуғулланишини таъминлаши, тегишли мутахассислик бўйича олий таълимдан кейинги таълимда (таянч докторантура, мустақил изланувчи) таҳсил олиш имконини бериши лозим.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир магистратура мутахассислигининг малака талабларида илмий-педагогик фаолиятга қўйилган талаблар берилган. Биз мазкур услубий қўлланмада 70110701 – “Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (физика ва астрономия)” магистратура мутахассислигининг малака талабларини келтириб ўтамиз. Ушбу малака талабларида касбий фаолиятга қўйилган малака талаблари илмий-педагогик фаолиятда қуйидагиларни қамраб олади:

фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил

этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш;

зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

жамоавий фаолият усуллари билан бирга, таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шакллари билан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;

таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;



таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан, уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолатда ташкил этиш;

педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш;

педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларининг амалда қўлланилишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўллари лойиҳалаштириш;

ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларни лойиҳалаштириш;

ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;

бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш малакаларига эга бўлиш назарда тутилган.

Юқорида айтиб ўтилган талабларни амалга ошириш учун магистратура босқичининг семестрлари кесимида режали тарзда ишлар ташкил этилиши керак. Илмий-педагогик фаолият ҳар бир семестр якунида баҳоланишидан келиб чиқилса, бундай жараёнга тизимли ёндашиш тақозо этилади.

## II. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

### 2.1. Магистратура талабаси учун шарт-шароит яратиш

Магистратура босқичида аудитория машғулоти аксарият олий ўқув юртлирида иккинчи сменада ташкил этилади. Бундай ҳолатда магистратура талабасига шарт-шароит яратиб бериш қийинчилик туғдирмайди. Шундай бўлса-да, магистратура босқичи талабаларига аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув соатларини олиб бориш катта масъулиятни талаб этади.

Энг асосий эътиборни бакалавр босқичи талабаларига қаратиб, магистратура босқичи талабаларини ўқув, илмий-педагогик ва илмий тадқиқот жараёнига шунчаки қараб бўлмайди. Магистратура босқичи дипломга эмас, балки талабаларнинг тор мутахассислик бўйича чуқур билим олишига хизмат қилиши шарт.

Магистратура талабаси давлат гранти ёки шартнома асосида таҳсил олишидан қатъи назар малака талабларида кўрсатилган компетенцияга эга бўлишини таъминлаш олий таълим учун асосий вазифадир.

Олий таълим муассасасида ўқув йилининг бошидан магистратура талабасига мутахассислик кафедрасидан раҳбар бириктирилади. Ҳар бир магистратура талабаси учун алоҳида календарь режа ишлаб чиқилади.

Олий таълим муассасасининг магистратура бўлими аудитория дарсларидан ташқари вақтда ҳафтада 2-4 соат давомида илмий-педагогик фаолият учун шарт-шароит яратиб беради.

Мутахассислик кафедраси магистратура бўлими томонидан ажратилган аудиторияда илмий-педагогик соат тақсимланган профессор-ўқитувчини магистратура талабаси билан ишлашини таъминлайди.

Магистратура талабаси илмий-педагогик фаолиятда амалга оширадиган ишларини бириктирилган профессор-ўқитувчи билан ишлаб чиқади ва ҳар бир қадамни календарь режада акс эттиради.

Бунда юқорида айтиб ўтилганидек, “фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш” лозим.

Олий таълим муассасасининг ахборот-кутубхона марказида магистратура талабалари учун шароитлар яратилиши уларга кенг имкониятлар беради.

Профессор-ўқитувчи ҳар бир магистратура талабасининг индивидуал имкониятларини баҳолайди ҳамда шунга мос иш олиб бориш режасини тузиб чиқади.

Педагогик диагностика асосида магистратура талабаси билан ишлаш жараёни кафедра мудирини билан маслаҳатлашув асосида олиб борилади.

Илмий-педагогик фаолият асосида магистратура талабасининг шахсий ривожланишини мотивациялаш ва фаоллаштириш индивидуал таълимнинг асосий омилларидан биридир.

## **2.2. Магистратура талабасини дарс ўтишга тайёрлаш**

Магистратура талабасини дарс ўтишга тайёрлаш мураккаб жараён. Энг муҳими, магистратура талабаларининг ўқитувликка қобилиятлилари билан алоҳида иш олиб бориш тақозо этилади.

Малака талабларида кўрсатилганидек, магистратура талабасига зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

жамоавий фаолият усуллари билан бирга, таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шакллари билан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психологик хусусиятларига, шу жумладан, уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолатда ташкил этиш керак.

Шу ўринда тавсия сифатида хориж тажрибаси асосида олий таълимда энг кўп қўлланиладиган самарали дарс ўтиш методларини келтириб ўтмоқчимиз. АҚШ, Канада, Б.Британия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини ўрганишлардан маълум бўлишича, олий таълим асосан бир қатор таълим методлари асосида олиб борилади. Мазкур дарс ўтиш

усуллари самарадорлик даражасига юқоридан қуйига қараб кетма-кетликда жойлаштирилди:

**1. Маъруза методи.** Маърузага нисбатан бизда дарс шакли, ўқув машғулоти тури сифатида қараш кенг шаклланган, бироқ Фарб мамлакатларида, хусусан, АҚШ, Б.Британия, Германия ва Францияда бу алоҳида ўқитиш методи сифатида ҳам тан олинади. Маъруза жаҳон мамлакатлари олий таълимида энг кенг фойдаланиладиган таълим усулидир. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, профессор-ўқитувчи кенг ҳажмдаги маълумотларни асосан оғзаки тарзда катта аудиторияга узатади. Бундай усул профессор-ўқитувчи зиммасига катта масъулият юклайди, чунки у мавзунинг моҳиятини самарали тушунтириш учун юқори даражадаги билим базасига, тадқиқотчилик салоҳиятига ҳамда нотиклик маҳоратига эга бўлиши керак.

Сўнги вақтларда маъруза методи бир қатор услубий ҳамда технологик ўзгаришларни бошдан кечирди, унинг янги турлари пайдо бўлди. Масалан, АҚШдаги Иллинойс университети ҳузуридаги Таълим ва таълимда инновациялар маркази томонидан модификацияланган маърузаларда ўқитувчи дарснинг бошида аудиторияни гуруҳларга бўлади ва мавзунинг мазмунини очиб беришга йўналтирилган, талабаларнинг этиборини оширувчи ақлий ҳужум саволларидан фойдаланади. Шунингдек, ўқитувчи талабаларга дарс бошланишидаёқ саволлар беришни бошлайди ва берилган саволларни доскага ёзиб қўяди. Маъруза давомида ўқитувчи ана шу саволларга тегишли бўлган жавобларни алоҳида эслатиб кетади. Ўқитувчи ҳар 20 дақиқада гуруҳни фаоллаштириш учун саволлар билан мурожаат қилиши ва тушунилмай қолган жиҳатларни тўлдириши мумкин. Дарснинг охириги 20 дақиқасини ўқитувчи мавзу юзасидан гуруҳ муҳокамасини ўтказиши ҳам мумкин<sup>2</sup>.

Сўнги вақтларда маърузалар нафақат оғзаки, балки визуал компонентлар билан бойитилиб, унинг самарадорлиги ортиб бормоқда. Бунда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш муҳим роль ўйнамоқда. Халқаро амалиётда маъруза методидан кенг фойдаланишнинг муҳим сабабларидан бири шундаки, у катта аудиторияларга маълумотларни узата олиши билан иқтисодий томондан ҳам маблағларни тежашга хизмат қилади. Маъруза методи асосан қуйи босқичдаги бакалавр дастурларида кенг қўлланилади, юқори босқичларга бориб эса маърузалар ўрнига гуруҳ муҳокамаси ва семинар методларининг аҳамияти ортиб боради. Магистратура дастурларида эса унинг аҳамияти янада пасаяди.

---

<sup>2</sup> Қаранг: <https://citl.illinois.edu/citl-101/teaching-learning/resources/teaching-in-specific-contexts/lecture-based-classes>.

**2. Гуруҳ муҳокамаси методи.** Гуруҳ муҳокамаси методи олий таълимда кенг қўлланиши жиҳатидан маърузадан кейинги ўринда туради<sup>3</sup>. Бу мунозара методи ҳам дейилади. Гуруҳ муҳокамасида талабалар аудиторияда ёки мустақил тарзда ўқиган ҳар қандай назарияни муҳокама қилишлари, унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб, бу борадаги ўз нуқтаи назарларини шакллантиришлари мумкин. Самарали мунозара учун талабалар муҳокама қилинадиган мавзу бўйича олдиндан тайёрланган, муҳим маълумотлар билан танишиб чиққан бўлиши керак. Америкалик мутахассис олим Мак Картининг таъкидлашича, гуруҳ муҳокамасининг кучли томони шундаки, ушбу метод гуруҳдаги ғоялар ва тажрибаларни бирлаштиради ҳамда барчага жараёнда фаол иштирок этиш имконини беради<sup>4</sup>.

Гуруҳ муҳокамалари бакалавр дастурларидан кўра магистратурада кенгроқ қўлланилади. Бунда талабалар тайёр ғояларни эслаб айтиб беришга эмас, балки ўз мустақил фикрини ифодалашга йўналтирилади. Мазкур метод талабага бир мавзу юзасидан ўзгача нуқтаи назарлар билан танишиш имконини бериш билан бирга, ўз нуқтаи назарини мантиқан изчил баён этиш, исботлаш ва рад этиш кўникмаларини фаол шакллантиришга ёрдам беради. Ушбу кўникмалар магистратура талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятида ўта муҳимлиги билан ажралиб туради.

**3. Лойиҳа методи.** Ушбу метод америкалик олим Жон Дьюининг прагматизм фалсафасига асосланади. Жон Дьюи таълим реал ҳаётга тайёрловдан иборат бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. Талабаларни амалий муаммоларни ҳал этишга тайёрлаш лойиҳа методининг мазмунини ташкил қилади. Лойиҳа (лойиҳавий ўқитиш деб ҳам аталади) методи АҚШ ва Германиянинг нуфузли университетларида кенг қўлланилади. Бунда талабалар индивидуал ёки жамоавий тарзда лойиҳа ишларига жалб этилади. Улар амалиётда мавжуд бўлган конкрет муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқадилар. Лойиҳа иши муайян билим ёки кўникмаларни татбиқ этиш ва мустақил фикрлашга, ўзига ишонч ва ижтимоий масъулиятни ривожлантириш мақсадида талабаларнинг фаоллиги ва мотивациясини оширишга қаратилган.

Лойиҳавий ўқитиш методи талабаларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишда кучли восита бўлиб, ўқишни тугатгандан сўнг уларнинг илм-фан ва инновациялар соҳасидаги фаолияти учун замин яратади. Ўз

<sup>3</sup> Shirani Bidabadi N, Nasr Isfahani A, Rouhollahi A, Khalili R. Effective Teaching Methods in Higher Education: Requirements and Barriers. J Adv Med Educ Prof. 2016 Oct;4(4):170-178.

<sup>4</sup> McCarthy P. Common Teaching Methods. 2008, Retrieved July 24, <http://honolulu.hawaii.edu/intranet/committees/FacDevCom/guidebk/teachtip/comteach.htm>

навбатида, бундай методдан фойдаланиш ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларни ошириб, уларни ўз устида мунтазам ишлашларига мажбур қилади. Айниқса, магистратура талабалари учун лойиҳавий ўқитиш методи уларнинг яқка тартибдаги лойиҳа ишларини бажаришлари учун тайёрлайди.

Лойиҳа усулини амалга ошириш борасида иккита асосий ёндашув мавжуд. Анъанавий ёндашувга кўра, талабалар, бунда икки босқичдан ўтадилар: дастлаб улар тизимли равишда муайян кўникма ва фактларни ўзлаштириш курсида ўқитилади, сўнгра улар ушбу кўникма ва билимларни ижодий тарзда тегишли лойиҳаларга татбиқ этадилар. Янгича ёндашувга кўра, ўқитувчининг кўрсатмаси лойиҳадан олдин эмас, балки у билан бирлаштирилган. Бошқача қилиб айтганда, талабалар биринчи навбатда лойиҳани танлайдилар, кейин улар муаммони ҳал қилиш учун нимани билишлари кераклигини муҳокама қиладилар, керакли техника ва тушунчаларни ўрганадилар. Ниҳоят, улар танланган лойиҳани ўзлари бажарадилар. Иккала ёндашувда ҳам лойиҳани ўрганишнинг барча босқичларида фикр юритиш учун вақт ажратилиши керак, бу эса талабаларга ўз ютуқларини баҳолаш имкониятини беради<sup>5</sup>.

**4. Тескари синф методи.** Ушбу метод аудиторияда ва уйда бажариладиган вазибалар ўрнини алмаштиришга асосланган. Ушбу метод биринчи бўлиб Совет Иттифоқи Педагогика фанлари академиясининг аъзоси М.Нечкина томонидан 1984 йилда таклиф қилинган. Унга кўра, талабалар тегишли мавзуларни мустақил тарзда уйда ўзлаштиришлари керак ва аудиторияда эса ўқитувчи билан бирга мавзуни фаол муҳокама қиладилар. Кейинчалик видеодарслар ва бошқа видеоматериалларнинг юзага келиши билан ушбу метод анча такомиллашди. Ўқитувчи ўз маърузаларини 10-15 дақиқалик ҳажмда видеотасвирга олиб талабаларга ҳавола этади. Унда мавзунинг муҳим жиҳатлари содда тарзда баён этилади. Талабалар келгуси дарсга шу видеомаврузалар орқали тайёргарлик кўрадилар ва мавзу борасида муайян тушунчага эга бўлган ҳолатда дарсларда иштирок этадилар. Бу талабаларнинг мустақил ишлашини ҳамда дарсларда ўқитувчи каби фаол иштирок этишини таъминлайди. Ушбу метод пандемия даврида олий таълимнинг масофавий ўқитиш режимида ўтишида муҳим омил бўлди.

2018 йилда Австриянинг Грац университетиде олиб борилган тадқиқотларга кўра, тескари синф методи бўйича ўқитилган талабалар ўқув курсларини ўзлаштиришда яхши натижаларга эга бўлган. Видео-

---

<sup>5</sup> Judy H., Katz L. Young Investigators: The Project Approach in the Early Years. New York: Teachers College Press. 2001. P.36.

маърузалардан фойдаланган талабаларнинг кўрсаткичлари бошқалардан кўра анча яхшилангани маълум бўлган<sup>6</sup>. Ҳозирда ушбу метод истиқболга эга лойиҳа сифатида кўрилмоқда ва олий таълимда тез оммалашиб бормоқда.

**5. Кейс методи.** Ушбу метод талабаларни реал вазиятларда қарор қабул қилишга тайёрлайди. Талабалар реал вазиятлардан келиб чиқувчи муаммоли вазиятларга, дилеммаларга ечим излашга фаол жалб этилади. Ушбу метод жаҳоннинг юқори рейтингга эга университетларида, жумладан, Гарвард, Стенфорд, Колумбия, Йель, Кренфильд каби бизнес ва бошқарув мактабларида фаол қўлланилади. Амалий тадқиқотларга йўналтирилган ушбу метод 1921 йилда Гарвард бизнес мактабида менежментни самарали ўқитиш курсларида ўйлаб топилган бўлиб, бу метод бизнес ва иқтисод муаммоларини самарали ҳал этишга қодир профессионал кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган<sup>7</sup>. Кейслар талабаларга назарияни амалиётга қўллаш ва назарияни амалиётдан қандай келтириб чиқаришни ўргатади. Талабалар одатда билимларни аниқ вазиятларда қўлланилганда яхшироқ эслаб қоладилар. Муаммоли вазият усули танқидий таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш, қарор қабул қилиш ва ҳаракат қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Магистратурада таҳсил олаётган талабаларнинг магистрлик лойиҳаларини муваффақиятли бажаришларида мазкур метод энг зарур компетенцияларни шакллантиришга кўмак беради.

Умуман, юқорида кўриб ўтилган ўқитиш методлари жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасаларида бакалавр ҳамда магистратура дастурларида кенг қўлланилади.

### **2.3. Магистратура талабасини касбий ривожланишига кўмаклашиш**

Магистратура талабасини касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш илмий-педагогик иш доирасида амалга ошириладиган фаолиятдир. Касбий эҳтиёжлар ҳамда имкониятларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштиришга ўргатиш касбий ривожланишга хизмат қилади.

Магистратура талабасида ҳамкорликдаги методик фаолият, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик, педагог касбига хос юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик,

---

<sup>6</sup> Luttenberger S., Macher D. Different patterns of university students' integration of lecture podcasts, learning materials, and lecture attendance in a psychology course. *Education and Information Technologies*. 2018, 23 (1): 165–178.

<sup>7</sup> Қаранг: <https://hbr.org/2021/12/what-the-case-study-method-really-teaches>.

масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантликни шакллантириш, педагогик одоб талабларига амал қилиш, ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш кутилган натижани беради.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан яқин келажакда долзарб бўлиб борадиган ўнта касбий ривожланиш омиллари таҳлил қилинган. Касбий ривожланишни ташкил этиш жараёнида ана шундай глобал тенденциялар назарда тутилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Тизимли фикрлаш (тизимни қамраб оладиган, ушбу тизимларни алоҳида элементлардан ташкил этадиган ва муайян ўзгаришларнинг асосий жараёнлар тўпламига таъсир қилишини кўришга имкон берадиган фикрлаш. Тизимлар билан ишлаш, ишда изчилликни яратиш ва сақлаш кўникмаси).

2. Тармоқлараро алоқа (муаммоларни ҳал қилишда бир вақтнинг ўзида бир нечта билим соҳаларини тушуниш компетенцияси. Тармоқлараро алоқани идрок эта оладиганлар кутилмаган, ноёб ва илғор ечимларни таклиф этиши мумкин. Келажакда фанлараро ёндашувлар ва ечимларга бўлган эҳтиёж ошиб боради).

3. Лойиҳа ва жараёнларни бошқариш (жараёнларни лойиҳалаш энг муҳим компетенциялардан биридир. Ҳар бир фаолият ўзига хос лойиҳа доирасида бажарилиши изчиллик ва тизимлиликни таъминлайди).

4. Ахборот технологиялари тизимлари билан ишлаш (иш жараёнида энг сўнгги ахборот коммуникацион имкониятлардан фойдаланиш компетенцияси);

5. Мижозларга эътибор қаратиш (исталган соҳа бўлсин, талабга қараб ўз фаолиятини ташкил этади. Таълим соҳаси доимий равишда иш берувчилар, яъни буюртмачиларнинг талабларини ҳисобга олади. Олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг эҳтиёжлари таълим стратегиясини белгилашда муҳим роль ўйнайди).

6. Одамлар билан ишлаш ва жамоада ўз ўрнига эга бўлиш (айни вақтда ва келажакда ҳам одамлар билан ишлашга алоҳида ёндашилади. Шахснинг одамлар билан ишлаш ва жамоада ўзини тутиш борасидаги ижтимоийлашув жараёни фаол тарзда рўй бериши мақсадга мувофиқ. Одамлар билан ишлаш алоҳида, жамоада узоқ вақт ишлаш алоҳида омилларни ҳисобга олишни тақозо этади).

7. Ноаниқлик шароитида ишлаш (фақат ўзгариш доимий бўлган вазиятда ишлаш қобилияти. Тез ва мослашувчан тарзда вазиятга мослашиш ёки жараёнлардан келиб чиқиш).

8. Мультикультурализм ва очиқлик (очиқ фикр, муқобил таклифларни тинглаш, уларни идрок этиш ва мослашиш. Энг яхши ғоялар дунёнинг



турли бурчакларидан келиши мумкинлиги сабабли, жамоа турли мамлакатлар ва маданиятларнинг вакилларини ўз ичига олиши керак. Бошқа одамлар билан тил топиш ва муаммоларга ечим излаш алоҳида қобилият ҳисобланади).

9. Эҳтиёткорлик (фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, онгли танлов қилиш, ўзингиз ва бошқаларнинг хусусиятларини тушуниш имконини беради. Фаолиятда мувозанат ва уйғунликни таъминлашга хизмат қилади).

10. Мулоқот (фикр алмашиш маданияти, бошқаларни тинглаш ва шахс имкониятларини юзага чиқариш имконияти)<sup>8</sup>.

Бундай компетенциялар бизнес юритиш учун тавсия этилган бўлса-да, бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай касб учун долзарб аҳамиятга эга. Айтиш ўринлики, магистратура босқичида тегишли мутахассислик бўйича ўзига хос касбий компетенция ҳисобга олинади. Лекин умумий тенденциялар инкор этилмайди. Агарда педагогик компетенция шакллантириш назарда тутилган бўлса, бунда ҳам ҳозирги ва келажақдаги талаблардан келиб чиқишга мажбурмиз.

Тадқиқотчи А.Жўраев педагогнинг касбий компетентлиги таснифида қуйидаги асосларни таъкидлайди:

педагогнинг иш жойи бўйича компетентлиги (умумтаълим мактаби, техникум ёки олий таълим);

педагогнинг танлаган ихтисослиги бўйича компетентлиги;

педагогнинг фаолияти йўналган объект бўйича компетентлиги (болаларнинг турли тоифалари, ота-оналар, синф жамоаси, социум ва бошқалар);

педагогнинг фаолият тури бўйича компетентлиги (мотивацион, гностик, методологик, методик, инфорацион, коммуникатив, рефлексив, прогностик, технологик, коррекцион ва бошқа)<sup>9</sup>.

Умуман олганда, илмий-педагогик иш асосида магистратура талабасининг касбий ривожланишига кўмаклашиш бир қанча илмий асосланган омилларни ҳисобга олишни назарда тутати.

---

<sup>8</sup> Ананьева Т. 10 ключевых компетенций двадцать первого века: чему учить и чему учиться?// <http://tananyeva.com/10-klyuchevykh-kompetentsij-dvadtsat-pervogo-veka-chemu-uchit-i-chemu-uchitsya/>

<sup>9</sup> Жўраев А. Дастурлаштирилган таълим воситалари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация -Б., 2019. -Б. 30.

## 2.4. Магистратура талабасини лойиҳалаш фаолиятига ўргатиш

Педагогик фаолиятда лойиҳалашга ўргатиш технологияларига алоҳида урғу берилади. Лойиҳалаш – таълимнинг мазмуний қисмини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, унинг умумий ва аниқ мақсадлар, ўқитиладиган маълумот (фан)лар мажмуасини аниқлаш, ҳар бир фаннинг мазмуни, соатлар ва бошқаларни режалаштиришдир<sup>10</sup>.

Лойиҳалаш жараёнида магистратура талабасининг қуйидаги сифатлари муҳим ўрин тутати:

- эрудиция;
- ижодкорлик;
- тасаввурнинг бойлиги;
- интуиция;
- ҳиссий ривожланганлик;
- манتيқий фикрлаш ривожланганлиги;
- техник лаёқат;
- технологик қобилият;
- креатив қобилият;
- рефлексив қобилият<sup>11</sup>.

Шунинг учун юқоридаги Малака талабларида таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш асосий вазифа қилиб қўйилмоқда.

Бундан ташқари, таълимий дастурларни, таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини, ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларни, ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш дидактик жараёни чуқур ўзлаштириш асосида кечади.

Дидактик лойиҳалаш – таълим субъектлари ўзаро таъсирининг таълим мазмунига йўналган меъёрий ҳужжат, бўғин, босқич, соҳа шаклидаги кўринишларни келгусида амалга ошириш намунасини тайёрлашдир<sup>12</sup>. Шу орқали бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш малакасига эга бўлинади.

---

<sup>10</sup> Расулов И. Талабаларнинг лойиҳалаш маданиятини компьютер технологиялари воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2018. -Б. 13.

<sup>11</sup> Расулов И. Талабаларнинг лойиҳалаш маданиятини компьютер технологиялари воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2018. -Б. 15.

<sup>12</sup> Маҳмудов М. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация -Т., 2004. -Б. 16-17.

Таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш жараёнида бир қатор вазифаларга эътибор қаратиш лозим:

олий педагогик таълим жараёни субъектларини касбий фаолиятга тайёрлаш вазифасини муваффақиятли амалга ошириш;

олий педагогик таълим жараёни субъектларининг ўз касбий фаолиятларини онгли тарзда ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

касбий компетенцияларни эгаллашни олий педагогик таълим жараёни субъектларининг ички эҳтиёжига айлантириш ва ҳоказо<sup>13</sup>.

Умуман, лойиҳалаш маданиятини такомиллаштириш орқали магистратура талабасида ўқув жараёнида барча таълим элементларини эътибордан четда қолдирмаслик, таълим объекти ва субъектини аниқ тасаввур қилиш, педагогик фаолиятнинг ҳар бир босқичини аниқ режа асосида шакллантира олиш маҳорати ривожлантирилади.

## **2.5. Магистратура талабасини ёшлар ва жамоатчилик билан ишлашга ўргатиш**

Магистратура талабасининг илмий-педагогик иши доирасидаги педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш алоҳида йўналиш. Бунда, энг биринчи навбатда, ўқитувчиларнинг одоб-ахлоқи регламентини ўзлаштириши, этикет қоидаларига қатъий риоя этишга ўрганиши, педагогик жамоанинг умумий маданиятини ҳис эта билиши керак.

Педагогик жамоа ўзининг хусусиятлари билан ажралиб туради. Кафедрадаги ҳар бир профессор-ўқитувчи билан ёндашув “устоз-шогирд” тизими асосида кечади. Унинг барча жиҳатлари раҳбар этиб белгиланган профессор-ўқитувчи томонидан ўргатилади. Чунки педагогик ҳар бир фаолият учун ўта талабчанликни тақозо этади.

Талабалар билан ишлаш ва жамоат ташкилотлари ишида қатнашиш учун тьюторлар фаолияти билан чуқур танишиб олиш керак. Бунинг учун “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорларида белгиланган вазифаларни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 сентябрдаги 412-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат олий таълим муассасаларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом” билан танишиб чиқиши тавсия этилади.

---

<sup>13</sup> Маъмуров Б.Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018. – Б. 18.

“Давлат олий таълим муассасаларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом” да тьюторлар фаолиятининг асосий мақсадлари белгиланган. Жумладан:

таълим ва тарбия жараёни уйғунлигини таъминлаш;

таълим муассасаси ва талабалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш;

талабаларга ижтимоий-маънавий ва психологик ёрдам кўрсатган ҳолда ўзини янада яхшироқ англаш, ўқиш ва ҳаётда тўғри қарор қабул қилиш, танлаган касбига муҳаббатни ошириш;

таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, талабалар давоматини яхшилаш билан боғлиқ масалаларда Жамоат кенгаши ва маҳалланинг ўрнини кучайтириш;

талабаларнинг дарс машғулотларини ўзлаштириб боришини таҳлил қилиш ва дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш;

уларнинг ижтимоий (оилавий) ҳолатидан доимий хабардор бўлиб туриш<sup>14</sup>.

Олий таълим муассасасида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ёшлар билан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг бошланғич ташкилоти хотин-қизлар билан ва Касаба уюшмалари иттифоқи бошланғич ташкилоти умумжамоа манфаатлари билан ишлайди. Бундан ташқари, маҳаллалар билан олий таълим доимий алоқада ишлайди. Олий таълим муассасаларида Ота-оналар кенгашлари, Талабалар кенгашлари, Жамоатчилик кенгаши каби жамоатчилик тузилмалар ҳам фаолият юритади. Уларнинг фаолияти билан танишиб бориш илмий-педагогик иш доирасида режалаштирилиши назарда тутилади.

---

<sup>14</sup> Давлат олий таълим муассасаларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом// Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 сентябрдаги 412-сон буйруғи.

### III. РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АМАЛИЁТИ

#### 3.1. Магистратура талабасини илмий-педагогик фаолиятга тайёрлаш бўйича хорижий тажриба

Аксарият дунё мамлакатлари олий таълимида магистратура дастурлари муайян соҳа бўйича **мутахассис** ва **тадқиқотчиларни** тайёрлашни мақсад қилади. Шундан келиб чиқиб, магистратуранинг иккита асосий тури фарқланади: **курсга асосланган** (ўқитиладиган) ва **тадқиқотга асосланган**. Курсга асосланган магистр даражалари маърузалар, семинарлар, лаборатория иши ёки масофавий таълим орқали ўқитиладиган тизимлаштирилган курс модулларига асосланади. Тадқиқотга асосланган магистрлик даражалари эса талабадан ихтисослашган таълим соҳасида ўз илмий лойиҳаларини амалга оширишни талаб қилади. Тадқиқот магистри даражалари одатда мутахассис тайёрлашга йўналтирилган магистрлик даражаларига нисбатан кўпроқ вақт давомийлигига эга.

**Профессионал магистратура** ўз соҳасида олдинга силжишни ёки янги кўникмаларга эга бўлишни хоҳлайдиган талабалар учун мос келади. Одатда улар кўпроқ курсга асосланган, маълум миқдордаги асосий модуллар ва танлов курслардан ташкил топган маърузалар, семинарлар ва лаборатория машғулотлари жадвали билан ишлайди. Кўпгина профессионал магистрлик дастурлари талабаларни йил давомида белгиланган топшириқлар, гуруҳ лойиҳалари, тақдимотлар ва имтиҳонлар орқали баҳолайди. Кўпгина профессионал магистрлар тезисга ўхшаш, аммо назарий эмас, балки амалий характерга эга бўлган муҳим лойиҳа билан яқунланади.

**Тадқиқот магистри** илмий тадқиқотга асосланган илғор даража бўлиб, ўқув курслари ўрнига битта катта тадқиқот лойиҳасини бажаришни талаб этади. Тадқиқот магистри дастурлари келгусида докторлик диссертациясини амалга ошириш учун ўзига хос кўприк вазифасини бажаради.

Турли хорижий мамлакатлар олий таълимида магистратура дастурларининг педагог кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолиятини ўрганишлардан маълум бўлмоқдаки, **магистратура олий таълим учун педагог кадрлар тайёрлашни устувор мақсад сифатида белгиламайди**. Улар фақат тегишли соҳа бўйича мутахассис ҳамда тадқиқотчиларни тайёрлайди. Шу боисдан ҳам магистратура ўқув дастурида илмий-педагогик ишлар назарда тутилмаган. Тўғри, мутахассислик сифатида таълимга ихтисос-



лашган дастурлар ҳам бор, масалан **АҚШ**нинг баъзи университетлари (**Гарвард, Колумбия, Калифорния, Жорж Вашингтон, Вандербилт университетлари**) таълим ва ўқитиш магистри даражасидаги мутахассислар тайёрланади. Бироқ бу дастурлар олий таълим учун эмас, балки бошланғич ва умумий ўрта мактаблар учун педагог ва раҳбар кадрлар тайёрлайди. Ўз-ўзидан савол туғилади: агар университетлар магистратура ва докторантура дастурлари орқали олий таълим учун педагог-кадрлар тайёрлашни алоҳида устувор мақсад қилиб белгиламаса, ушбу дастурларнинг ўқув режасида педагогик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ўқув курслари ёки стажировка назарда тутилмаса, у ҳолда коллеж ва университетлар педагог кадрларга бўлган талабларини қандай қондирмоқда?

**АҚШ** ва **Европанинг** баъзи университетлари профессор-ўқитувчилик лавозимида ишлаш учун магистр даражасига эга бўлишни минимум талаб сифатида киритган. Бошқаларида бу талаб докторлик даражасини назарда тутати. Шундай бўлса-да, магистратурада ҳам, докторантурада ҳам педагогик компетенцияни шакллантиришга алоҳида ташкилий-услубий масала сифатида эътибор қаратилмайди. **АҚШ**да ҳам, **Европа** мамлакатларида ҳам, **Австралия, Япония, Сингапур** каби мамлакатларда ҳам магистратура ва докторантура дастурларида илмий-педагогик фаолиятга тайёрлаш учун алоҳида ўқув соатлари ажратилмайди. Одатда ўқув режада тегишли мутахассислик бўйича ўқув курслари, стажировка ва илмий

тадқиқот ишларигина ўрин олган. Магистрантларни тегишли мутахассислик ва илмий тадқиқотга йўналтиришдан ташқари, илмий-педагогик фаолиятга ҳам жалб этиш фақат МДҲ мамлакатларининг магистратура дастурлари ўқув режасига киритилган. Бундай хусусиятни **Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси** ва бошқа **МДҲ давлатлари** олий таълими тажрибасида яққол кўриш мумкин. Магистратура дастурлари ўқув режалари ўртасидаги бундай структуравий тафовут магистратурага бўлган ёндашувлардаги ўзига хосликлардан келиб чиқади. Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро тажрибада магистратурага профессионал кадрлар ва тадқиқотчиларни тайёрловчи академик тузилма сифатида қараш устуворлик қилади. МДҲ мамлакатларида эса магистратурадан тадқиқотчи ва олий таълим учун педагог-кадрлар тайёрлаш кутилади. Бу МДҲ мамлакатларида, хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам олий таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси қониқарли даражада шаклланмаганидан далолат беради.

**АҚШ, Канада, Б.Британия ва Европа Иттифоқи**га аъзо бошқа мамлакатларда магистратура дастурлари гарчи олий таълим учун педагог-кадрлар тайёрлашни алоҳида кредитлар орқали таъминламаса ҳам, илмий тадқиқотчилик ишлари ва иш жараёнида орттириладиган педагогик тажрибанинг ўзи махсус тайёргарликсиз ҳам олий таълимда педагогик фаолият билан шуғулланиш учун етарли, деган кенг тарқалган консенсус мавжуд. Бунда олий таълим учун педагог кадрлар тайёрлашда магистратурага алоҳида педагогик кўникмаларни шакллантирувчи курсларни киритиш академик томондан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас, деган қараш устуворлик қилади. Бундай ёндашувнинг асосида “ўрганиш (тадқиқот)ни яхши ўзлаштирган олим ўз-ўзидан ўргатиш (таълим)ни ҳам яхши билади” деган ишонч ҳам ётади. Шу сабабдан ҳам магистратура ва докторантурада илмий тадқиқотларга асосий устунлик берилади.

**АҚШ, Канада, Б.Британия ва Европа Иттифоқи**га аъзо мамлакатлардаги университетларнинг магистратура дастурларида таҳсил олаётган талабалар педагогик кўникмаларни махсус ўқув дастурлари орқали эмас, балки индивидуал амалий тажриба давомида ўзлаштиради. Гап шундаки, магистрантлар илмий маслаҳатчиларининг бакалаврият босқичидаги талабалар учун дарсларни ташкил этишларига кўмаклашади: хоналарни тайёрлайди, видеопроекторни созлайди, слайдларни бошқариб туради, бирор жиҳоз ишламаса, факультет маъмуриятига хабар беради. Шунингдек, профессорнинг фан силлабуси, маъруза матнлари ва имтиҳон саволларини ишлаб чиқишида ҳам техник томондан ёрдам кўрсатади. Магист-

рант шу тариқа ўз илмий маслаҳатчисининг педагогик фаолиятида бевосита иштирок этиб, жонли педагогик тажрибани ўзлаштириш имконига эга бўлади. Бироқ бунинг чекланган томони шундаки, магистрант педагогик фаолиятни фақат биргина профессорнинг шахсий тажрибаси асосида ўзлаштиришга мажбур бўлади. Бундай амалиёт кўпинча педагогик хилма-хилликни рад этиб, индивидуал ўзига хос педагогик тажрибанинг ворисийлигини таъминлайди. Шу боисдан ҳам Ғарб мамлакатларида, масалан, **Германия**да магистрларнинг нуфузи норасмий тарзда кўпинча унга илмий раҳбарликни амалга оширган профессорнинг тадқиқотчилик ва педагогик йўналишидаги имиджи билан белгиланади. Иш берувчилар одатда магистрдан қайси олий таълим муассасасини битирганидан кўра, кўпроқ қайси профессор раҳбарлигида фаолият олиб борганига қизиқиш билдирадилар. Академик ва педагогик мактаб шу тарзда шаклланади.

АҚШ ва Европадаги нуфузли университетларда профессорлар ўқув курсларини ўзларининг илмий тадқиқотлари доирасида олиб борадилар, чунки ўқув курслари шу соҳада муайян илмий натижаларга эришган профессорларга берилади. Профессор ўз маърузаларини академик услубда олиб боради, талабалар томонидан берилган саволлар илмий жамоатчилик муҳокамасининг содда кўриниши сифатида талқин қилинади. Профессорнинг академик маърузасида бевосита дарсни ташкил этувчи ёрдамчи субъект сифатида иштирок этаётган магистрант ўз тадқиқотини бошқаларга тақдимот қилиш кўникмаларини шу жараёнда шакллантиради. Бунда педагогик тажрибани ўзлаштиришдан кўра кўпроқ тадқиқот натижаларини муҳокама қилишга тайёргарлик устувор ўринга эга бўлади. Бу юқорида айтилганидек, “тадқиқотни яхши ўзлаштирган олим ўз ўзидан таълим беришни ҳам яхши билади” деган қарашнинг яққол амалий ифодасидир.

Бироқ, шундай бўлса-да, Ғарб давлатларида олиб борилган қатор тадқиқотларда бундай ёндашув олий таълим педагог-кадрларининг ўқитиш салоҳиятига салбий таъсир қилаётгани аниқланган. Унга кўра, тадқиқот бирор масаланинг моҳиятига кириб боришга, ўрганиш миқёсининг торайишига олиб келади. Таълим эса кенг қамровлиликка, билимларнинг экстенсив томонига йўналган бўлади. Бу икки ҳодиса иккита алоҳида, баъзида ўзаро зид бўлган хусусиятга эга. Бунда бир компетенциянинг ривожланиши ўз-ўзидан иккинчисининг ҳам ривожланишига олиб келмайди. Бунинг учун ҳар бир фаолиятга алоҳида тайёргарлик зарур<sup>15</sup>.

---

<sup>15</sup> Moulding L.R., Hadley K.M. Graduate Students' Understanding of Educational Research in a Master of Education Program // *New Horizons in Education*, 2010, Vol.58, No.1. Pp.43-52.



2012 йилда **Гарвард университети**да бўлиб ўтган олий таълим муаммоларига бағишланган конференцияда америкалик олим Д.Берретнинг таъкидлашича, олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари ҳали ҳам одат ва тахминларга кўра дарс беришади. Педагогика ҳақида тушунчага эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар талабалар ўрганиши керак бўлган масалаларнинг мазмуни ҳақида чуқур билимга эга бўлишлари мумкин, бироқ улар талабаларнинг когнитив ривожланишида зарур бўлган қобилиятларни шакллантириш усуллари ҳақида кўп нарса билмайдилар. Бу асосан таълим усуллари ва технологиялари билан ҳам боғлиқ масала<sup>16</sup>.

Олий таълимга педагог-кадрлар тайёрлашда тадқиқотчиликка асосий эътибор қаратилиб, педагогик тайёргарликнинг бундай эътибордан четда қолиши бир қатор сиёсатчилар томонидан танқид қилинмоқда. Хусусан, **Европа Комиссиясининг** Европа олий таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим сифатини ошириш бўйича 2013 йилдаги ҳисоботида аксарият олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ишлари билан солиштирганда ўқитишга жуда кам эътибор қаратаётгани, олий ўқув юртинининг барча ўқитувчилари педагогик тайёргарликдан ўтиши лозимлиги алоҳида таъкидланган<sup>17</sup>. Ўз-ўзидан тушунарлики, олий таълимни тадқиқотчилик ҳамда педагогик компетенцияга эга кадрлар билан таъминлаш фақатгина педагогик малака ошириш курслари билан ҳал этиладиган масала эмас. Бунинг учун магистратура дастурларида педагогик кўникмалар шакллантирилиши керак.

Олий таълим учун педагог-кадрларни тайёрлашда махсус ўқув курсларининг зарур эмаслиги ҳақидаги илмий қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, америкалик тадқиқотчи Ж.Шлебнинг фикрича, олий таълимда мартаба учун тайёрланаётган магистрантлар ҳозирги вақтда олий таълимда фойдаланиш учун мос бўлган таълим назарияси ва методологиясини ўрганишлари шарт эмас. Таълим бериш жараёнида илмий салоҳиятга эга бўлган педагоглар зарур кўникмаларни иш тажрибаси ва малака курслари орқали ўзлаштиришлари мумкин<sup>18</sup>.

Магистратурада педагогик кўникмаларни шакллантиришнинг долзарб эканлиги асосланган яна бир йирик тадқиқот **АҚШнинг Флорида штати университетлари** тизимида ўтказилган. Т.Робинсон ва У.Хоуп томонидан магистратурада педагогик тайёрлов курсларига эҳтиёжнинг бор ёки йўқлиги Флорида штатида жойлашган **11 та олий таълим му-**

<sup>16</sup> Berrett D. Harvard conference seeks to jolt university teaching. Chronicle of Higher Education, 2012. Retrieved from <http://chronicle.com/article/Harvard-Seeks-to-Jolt/130683/>.

<sup>17</sup> Қапан: European Commission. EU high level group: train the professors to teach. 2013. [http://europa.eu/rapid/press-release\\_IP-13-554\\_sl.htm](http://europa.eu/rapid/press-release_IP-13-554_sl.htm) (Accessed 2013-12-10).

<sup>18</sup> Schlieb J. Review: Histories of pedagogy. College English, 1999, 61(4), 139-146.

ассасасининг профессор-ўқитувчиларининг фикри асосида ўрганилди<sup>19</sup>. Тадқиқотда профессор-ўқитувчиларнинг 80 фоизи олий таълим муассасаларида дарс беришга тайёргарлик сифатида магистратура талабаларининг педагогика бўйича кўникмаларга эга бўлишлари шарт эканлигини билдирганлар. Уларнинг 60 фоизи педагогик фаолиятни бошлагандан кейин ҳам педагогик малака курсларида иштирок этмаганини тан олган. Демак, маълум бўлмоқдаки, юқорида Ж.Шлеб фикрига зид равишда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик кўникмаларга эга бўлишида малака курслари катта ўринга эга эмас. Тадқиқотда айтилганидек, аксарият профессор-ўқитувчилар бундай курслар орқали педагогик билим ҳамда кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қилмайдилар. Бу ҳолат эса АҚШ олий таълимидаги маъруза ҳамда семинар машғулотларини кўпроқ академик йўналишга буриб, ўқитувчи-талаба ўртасидаги ўзаро тушуниш, ўқитиш жараёнининг қизғин ўтишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқот давомида профессор-ўқитувчиларнинг магистратура дастури ўқув режасига педагогикага оид (масалан, таълим усуллари ва технологиялари) ўқув курсларини киритиш, талабаларни педагогик фаолиятга йўналтириш борасидаги қарашларида қуйидагилар устувор ўринга бўлди:

1. Ҳар қандай магистратура дастурида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш учун маълум бир кредитлар ажратиш керак. Чунки магистратура битирувчиларининг қарийб 50 фоизи охир-оқибатда олий таълимда фаолият кўрсатади;

2. Магистратура дастурларида педагогик фаолиятга тайёрлаш талабалар учун танлов асосда ташкил этилиши зарур. Чунки талабаларнинг барчаси ҳам ўз келажагини педагог сифатида режалаштирмайди. Илмий тадқиқот ёки тегишли мутахассислик бўйича иш фаолиятини ташкил қилишни кўзлаган талабалар учун бунга зарурат йўқ.

3. Магистратурада талабаларни педагогик фаолиятга жалб этиш уларнинг илмий тадқиқот ишларига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг учун алоҳида кредит ажратиш талаба учун ҳам, олий таълим муассасаси учун ҳам ортиқча юк бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг умумий натижасига кўра, олий таълим муассасаларида иш фаолиятини олиб боришни мақсад қилган магистрантларга педагогик курслар ва амалиёт ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

---

<sup>19</sup> Robinson T.E., Hope W.C. Teaching in higher education: Is there a need for training in pedagogy in graduate degree programs? // Research in Higher Education Journal, 2013, №21.

### 3.2. Хорижий амалиёт асосидаги тавсиялар

Юқоридаги таҳлиллар биз учун ҳам магистратурада илмий ва педагогик фаолиятни мақсадли ташкил этиш борасида қимматли хулосаларни беради. Умуман, магистратурада талабаларни илмий ҳамда педагогик фаолиятга йўналтиришга доир илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, **қуйидагиларни тавсия этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:**

- магистратурада талабаларни **илмий, профессионал ва педагогик** фаолиятга йўналтириш алоҳида ихтисослаштирилган тарзда ташкил этилиши керак. Магистр даражасидаги кадрлар шу асосда мақсадли тайёрланиши лозим;

- келажакда иш фаолиятини **илмий тадқиқот йўналишида** олиб боришни мақсад қилган талабаларга магистратура ўқув курслари шунга мувофиқ ташкил этилиши керак. Бунда асосан тезислар ва мақолалар тайёрлаш, диссертация иши учун адабиётларни ўрганиш, саралаш, таҳлил қилиш, ҳар чорақда илмий раҳбар билан бирга эришилган натижаларни кафедрада муҳокама қилиш каби фаолиятдан ҳамда тегишли ихтисосликнинг тадқиқот методологиясига оид ўқув курсларидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Стажировка эса илмий тадқиқот муассасаларида олиб борилиши зарур;

- тегишли **профессионал йўналишда** кетишни кўзлаган талабалар эса лойиҳа ишига жалб қилиниши, бундай иш тадқиқот диссертациясидан фарқли равишда кўпроқ амалий муаммоларни ҳал қилишга, муайян жараёни баҳолашга ва зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилиши керак. Мутахассис тайёрловчи бундай магистратура дастурларида талабалар тўлиқ мутахассислик учун зарур фанлар бўйича ўқитилиши ва стажировкани ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхоналарда олиб бориши мақсадга мувофиқ;

- олий таълимда **профессор-ўқитувчи сифатида** фаолият олиб боришни мақсад қилган талабалар эса илмий тадқиқот билан бирга илмий-педагогик фаолиятга йўналтирилиши муҳим. Бунда муайян соҳада олиб бориладиган тадқиқот таълим лойиҳалари билан бирлаштирилиши керак. Амалга ошириладиган тадқиқот натижаларини таълим жараёнига қўллаш олиш кўникмалари шу асосда шакллантирилиши мумкин. Бўлажак тадқиқотчи-педагогларда педагогик фаолиятга илмий ёндашувни қарор топтириш учун уларни кафедрада бажариладиган илмий-педагогик ишларга жалб этиш ҳамда стажировка шу олий таълим муассасасининг ёки келишувга биноан бошқа олий таълим муассасасида олиб борилиши лозим.

## ХУЛОСА

Магистратура талабасининг илмий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мураккаб жараён. Бунда ҳар бир талабага индивидуал ёндашилади. Икки ўқув йили давомида магистратура талабаси ўз соҳаси бўйича чуқур билимга, зарурий кўникма, малака ва тажрибага эга бўлиши шарт.

Олий таълим муассасаларидаги мутахассислик кафедралари магистратура талабасининг шахсий ривожланишини, белгиланган кредитларни бажаришини ўзига хос масъулият билан ташкил этиши зарур. Кафедра магистратура талабасининг шахсий ривожланиш жараёнини барча даражада таъминлашни мувофиқлаштириб боради.

Магистратура талабасининг илмий-педагогик ишига раҳбар этиб белгиланган илмий даражали профессор-ўқитувчилар ўзларига ажратилган ўқув юкмасини масъулият билан бажариши ва ҳар бир магистратура талабасининг шахсий ривожланишига кўмаклашиши муҳим.

Методик қўлланмада давлат таълим стандартлари ва малака талаблари асосида ҳамда хориж тажрибасини қийёсий ўрганган ҳолда, илмий-педагогик ишни ташкил этиш жараёни таҳлил этилди, зарурий тавсияларни қамраб олишга ҳаракат қилинди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларига ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ташкилотларига рақобатдош кадрларни етказиш учун магистратура босқичи алоҳида роль ўйнашини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Магистратура босқичи олдинга қўйилган мақсадларга эришиш имконини бериши керак.

Шунинг учун олий таълим муассасалари магистратура бўлимлари йўналишлар кесимида магистратура талабасининг сифатли билим олиши ва тажриба орттириш жараёнини мувофиқлаштириб бориши, муаммоларни ечиб бориши зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Давлат олий таълим муассасаларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом // Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 сентябрдаги 412-сон буйруғи.
2. Berrett D. Harvard conference seeks to jolt university teaching. *Chronicle of Higher Education*, 2012. Retrieved from <http://chronicle.com/article/Harvard-Seeks-to-Jolt/130683/>.
3. European Commission. EU high level group: train the professors to teach. 2013. [http://europa.eu/rapid/press-release\\_IP-13-554\\_sl.htm](http://europa.eu/rapid/press-release_IP-13-554_sl.htm) (Accessed 2013-12-10).
4. Judy H., Katz L. *Young Investigators: The Project Approach in the Early Years*. New York: Teachers College Press. 2001. P.36.
5. Luttenberger S., Macher D. Different patterns of university students' integration of lecture podcasts, learning materials, and lecture attendance in a psychology course. *Education and Information Technologies*. 2018, 23 (1): 165–178.
6. McCarthy P. *Common Teaching Methods*. 2008, Retrieved July 24, <http://honolulu.hawaii.edu/intranet/committees/FacDevCom/guidebk/teachtip/comteach.htm>
7. Moulding L.R., Hadley K.M. Graduate Students' Understanding of Educational Research in a Master of Education Program // *New Horizons in Education*, 2010, Vol.58, No.1. Pp.43-52.
8. Robinson T.E., Hope W.C. Teaching in higher education: Is there a need for training in pedagogy in graduate degree programs? // *Research in Higher Education Journal*, 2013, №21.
9. Schlieb J. Review: Histories of pedagogy. *College English*, 1999, 61(4), 139-146.
10. Shirani Bidabadi N, Nasr Isfahani A, Rouhollahi A, Khalili R. Effective Teaching Methods in Higher Education: Requirements and Barriers. *J Adv Med Educ Prof*. 2016 Oct;4(4):170-178.
11. Ананьева Т. 10 ключевых компетенций двадцать первого века: чему учить и чему учиться?// <http://tananyeva.com/10-klyuchevykh-kompetentsij-dvadtsat-pervogo-veka-chemu-uchit-i-chemu-uchitsya/>
12. Жўраев А. Дастирлаштирилган таълим воситалари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Б., 2019. – Б. 30.

13. Магистратура тўғрисида Низом//<https://lex.uz/docs/2579469>

14. Маҳмудов М. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т., 2004. – Б. 16-17.

15. Маъмуров Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018. – Б. 18.

16. Расулов И. Талабаларнинг лойиҳалаш маданиятини компьютер технологиялари воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018. -Б. 13.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I. Илмий-педагогик ишнинг норматив-методик асослари</b>	
1.1. Илмий-педагогик фаолиятнинг ҳуқуқий асоси.....	4
1.2. Олий таълимнинг давлат таълим стандартида илмий-педагогик амалиётнинг асосий йўналишлари.....	5
1.3. Магистратура талабасининг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари.....	6
<b>II. Илмий-педагогик ишнинг таркибий қисмлари</b>	
2.1. Магистратура талабаси учун шарт-шароит яратиш.....	9
2.2. Магистратура талабасини дарс ўтишга тайёрлаш.....	10
2.3. Магистратура талабасини касбий ривожланишига кўмаклашиш.....	14
2.4. Магистратура талабасини лойиҳалаш фаолиятига ўргатиш.....	17
2.5. Магистратура талабасини ёшлар ва жамоатчилик билан ишлашга ўргатиш.....	18
<b>III. Ривожланган давлатлар олий таълим муассасалари амалиёти</b>	
3.1. Магистратура талабасини илмий-педагогик фаолиятга тайёрлаш бўйича хорижий тажриба.....	20
3.2. Хорижий амалиёт асосидаги тавсиялар.....	26
Хулоса.....	27
Фойдаланилган адабиётлар.....	28





Услубий нашр

МАГИСТРАТУРАДА ИЛМИЙ  
ПЕДАГОГИК ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕТОДИКАСИ

*Методик қўлланма*

Муҳаррир  
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ  
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи  
О.Исмаилов

Техник муҳаррир  
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АИ 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга  
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Бюртма №117.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



**МАГИСТРАТУРАДА  
ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕТОДИКАСИ**



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-9096-6-3



9 789943 909663